

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲОБАТЛИ РАНГАСВИР ЙЎНАЛИШИНING ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Алишер Ҳакимович Шодиев

Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти

1-курс маҳобатли рангасвир магистранти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18228773>

Аннотация. Мақолада маҳобатли рангасвир йўналиши, унинг ривожланиши, Ўзбекистонда дастлабки маҳобатли рангасвир асарлари кўринишлари, таниқли рангасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми Б.Жалолов ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Калит сўзлар: маҳобатли рангасвир, фреска, витраж, плафон, сграфитто, панно.

Инсон табиатдан рассомдир. У ўз ҳаётида кўрган, билган нарсаларини, воксаларни бошқалар билан баҳам кўришга, ўзи кўрган гўзал табиатни, инсон гўзаллигини таърифлашга, тавсифлашга интилади.

Мен институтда маҳобатли рангасвир йўналишида таҳсил оламан. Биласизми, рангасвир инсоният яратган буюк кашфиётлардан биридир. Тарихга бир умр муҳрланган суратлар, сиймолар, қалблар. Инсоннинг маҳобатли рангасвирида айнан шу ҳаётининг оний лаҳзасини, ҳолатини қувонч билан, юздаги табассум билан акс этишини истайди.

Фреска, мозаика, витраж, сграфитто каби услубларни бирлаштирувчи маҳобатли рангасвир санъати бир неча даврлар давомида биноларни беаган ва ҳатто бугун ҳам бу услубларга қизиқиш илгаригидек долзарб. Санъатнинг бу тури асрлар оша такомиллашиб келди ва бизнинг кунларда ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Рангасвирнинг меъморчилик билан боғлиқ бу тури ўз-ўзича айро кўринишда бўлолмайди. У маълум бир юзда жойлашиб, атроф муҳит билан ажралмас бирликда бўлади. Зеро ўз ривожига эришган маҳобатли рангасвир асарлари ва улар ўрин олган биноларнинг, замонавий меъморий иншоотларнинг ўзаро уйғунлашуви акс этади.

Ижодкорнинг руҳий олами унинг асарларида акс этади. Рассомнинг томошабинга айтмоқчи бўлган фикрлари ички сезгилари йиғилиб бармоқлар орқали рангларга, ранглардан оқ матоларга кўчиб санъат асари яралади. Чин қалбдан яратилган асарга рассом ўз қалбини бир парчасини беради ва бир умр уни қадрлаб яшайди. Мусаввирлар маҳобатли рангасвир воситалари кўмагида асар яратади ва улар ҳар доим чизматасвир, композиция имкониятларидан фойдаланади.

“Ишланиш усулига кўра, фреска, плафон ва намоён (панно)ларга бўлинади. (деворий рассомлик). Маҳобатли рангасвир қадимий санъат тури бўлиб, ибтидоий одамларнинг ғор деворларига ишлаган расмлари (масалан, Зараутсой расмлари ва бошқалар) унинг илк намуналаридир. Қадимий ва ўрта асрларда ниҳоятда ривожланиши ва етакчи санъат турларидан бирига айланди.

Қадимги Миср ва Юнонистонда кенг ривожланиши, кейинроқ Византия ва бошқа давлатларда ҳам маҳобатли рангасвирнинг нодир намуналари яратилди. Айниқса Уйғониш даврида ўзининг ҳақиқий ривожланиш босқичига эришди. Микеланжелонинг Ватикан саройига ишлаган деворий расмлари, Веронезенинг композициялари шу даврнинг нодир ёдгорликларидир”¹.

¹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/monumental-rangtasvir-uz/>

Маҳобатли рангтасвир йўналиши Ўзбекистонда анча тараққий этган Чунончи, рангтасвирнинг меъморчилик билан боғлиқ бўлган бу тури; биноларнинг ички қисми, шифтлари, қисман бионинг ташқи томони деворларига ишланган тасвирларда намоён бўлади. Таъкидлаш керакки, маҳобатли асар шакли биринчи навбатда унинг маъноси билан ва унинг архитектуравий мажмуада ёки айнан бинода эгаллайдиган ўрни билан белгиланади. Яратилаётган маҳобатли рангтасвир асарлари билан бу асарларни намоён қилиб турувчи меъморий бино хусусиятларини уйғунлаштириш вазифаси доимо бирламчи вазифа қилиб қўйилиши керак².

Ўзбекистонда маҳобатли рангтасвирнинг янги ривожланиш босқичи ўтган асрнинг 30-50-йилларига тўғри келади. Шу йиллардан жамоат ва маъмурий биноларни безаш ривожланди. Ўзбекистон табиати, кундалик тур-муш, фан, меҳнат мавзuidaги композициялар яратилди, мумтоз ўзбек адабиётидан олинган сюжетларга расмлар чизилди (Навоий театри биноси деворларига ишланган намоёнлар; муаллифлари Ч. Аҳмаров, Ў. Тансиқбоев, В. Чепраков ва бошқалар). 60-80-йилларда ҳам маҳобатли рангтасвирда юксак даражадаги асарлар яратилди. Қ. Соипов, Б. Жалолов, И. Липене, В. Бурмакин ва бошқаларнинг фреска, мозаика, витраж каби асарлари юзага келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йилларда Маҳобатли рангтасвир янги миллий мазмун мавзулар билан бойимокда. Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳобатли рангтасвир йўналиши тасвирий санъатнинг энг ривожланган тури сифатида жадал ривожланиб бормокда. Мамлакатда бу борада шаклланган алоҳида мактаб ва унинг вакиллари тўғрисида қанча кўп гапирилмасин, шунча кам. Шулардан бири Баҳодир Жалоловдир. У наинки Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда ҳам таниқли, юксак тан олинган, эътироф этилган, ижоди доимий қизиқиш билан кузатиб бориладиган мусаввирларимиздан саналади. Б.Жалоловнинг асарлари, маҳобатли ижодий ишлари юртимиздаги музей ва бошқа маданий-маърифий бинолар, хориждаги бир қатор элчихоналар, коллекция ва галереяларни безаб турибди.

“Ижодкорнинг асарларида руҳият, кайфият, инсон психологияси бор. Унинг асарлари инсон ва коинотнинг ўзаро муносабатлари, борлиқдаги баҳсли жараёнлар, умуман умр мавзусига теран фалсафий нигоҳ билан назар ташлашга ундайди”³.

Устоз мусаввир ижоди шуниси билан қадрлики, у ҳар бир томошабинни ўйга толдиради. Мўйқалам соҳиби одамларга картина орқали айтмоққа шайланган фикрларини уқишга, мағзини чақишга ундайди⁴.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, инсон гўзалликни идрок этмай ёки гўзалликка интилмай ҳаёт кечири олмайди. Инсон табиат ва жамият гўзаллигини ҳис этгунча, узок асрлар тараққиёт тарихини босиб ўтган ва шаклланиб борган.

Санъат тарихида қайд этилган қанчадан-қанча ғорлар ва қоятошлардаги ҳайвонлар тасвири мана шу ривожланишни ўзида намоён қилади. Бундай тасвирлар вақт ўтиши билан такомиллашиб, мазмунан бойиб, ўзгариб борган. Мукаммал кўринишдаги илк ўрта асрларга тегишли Афросиёб, Варахша деворий суратлари ноёблиги, гўзаллиги ханузгача томошабинларни ҳайратлантирмоқда.

²

³ <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/27-may-bahodir-jalolov-65.html>

⁴ https://uz.wikipedia.org/wiki/Monumental_rangtasvir

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам турли мазмундаги деворий суратлар ва безаклар муҳташам бинолар, сарой ва масжидларни, мадрасаю мақбараларни кўркига кўрк қўшиб, бу бинолар улуғворлигини намоиш қилган.

Зеро, тасвирий санъат, унинг инжа турларидан бири бўлган маҳобатли рангтасвир замонлар оша ўз салоҳиятини мустақамлаб, инсонларга завқ улашишда давом этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ч.Бекмеров Маҳобатли рангтасвир синтези Т.2023;
2. Р.Худайберганов Монументал безак санъати композицияси Т.2021;
ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР
3. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/monumental-rangtasvir-uz/>
4. https://uz.wikipedia.org/wiki/Monumental_rangtasvir
5. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/27-may-bahodir-jalolov-65.html>